

## Адабиётлар рўйхати

1. К.Раҳимов. Мовароунаҳр тасаввуфи тарихи: Таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VII-XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020.
2. Н.Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr. 2009.
3. Ғ.Раззоқов, К.Раҳимов. – Хожагон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. Тошкент: O'zbekiston. 2020.
4. Абдурахмон Гўзал. – Яссавий “Факрнома”си Тошкент: “Наврўз”, 2014.
5. Н.Жабборов Хожа Аҳмад Яссавий / Тасаввуф атамалари –изоҳли луғат. Тошкент: Мовароунаҳр, 2015.
6. [www.mustaqillik.uz](http://www.mustaqillik.uz) – Мустақил Ўзбекистон солномаси портали.
7. [www.xorazmiy.uz](http://www.xorazmiy.uz) – Илмий-тарихий, ижтимоий-маърифий сайт

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/012>

## ГЕГЕЛЬ ҚАРАШЛАРИДА ОИЛА ВА МУҲАББАТНИНГ СУБЪЕКТИВ ПРОДАЛАР ГАРМОНИЯСИ СИФАТИДАГИ ТАЛҚИНИ

**Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли**

ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети “Фалсафа ва мантиқ”

кафедраси таянч докторанти

Оила Гегель учун объектив руҳ намоён бўлишининг дастлабки шакли ёки босқичидир. Оила ўзини алоҳидаликнинг ривожланиш

жараёнидаги ташкил топган, умумийлик борлигининг дастлабки оддий кўриниши дейишимиз мумкин. “Оила - рухнинг бевосита субстанционал ҳақиқати, унинг бирлиги муҳаббат туйғусидир” [1]. Оилани вужудга келтирувчи энг муҳим омил сифатида Гегель муҳаббат ёки севги тушунчасини белгилайди. Бежиз Абдурауф Фитрат оиладаги “эр-хотинлик меҳр-муҳаббатсизлик асосида бўлса, албатта пойдевори заиф бўлиб, ҳаёти, лаззатсиз бўлади, муҳаббатсизлик табиат қонунига зиддир” [2] демаган эди.

Гегельда муҳаббат тушунчаси зиддият ёки қарама-қаршиликдир. Яъни у икки алоҳида субъектив ирода ўртасида қарама-қаршиликни билдиради, шунинг билан бирга ушбу зиддиятнинг ижобий ечимини ҳам белгилайди. Биз биринчи навбатда унинг қандай қарама-қаршиликни ўзида ифода этишига тўхталсак. Маълумки ҳар бир эркин субъектив ирода, ўзини воқеликка эркин тарзда намоён қилади. Шу билан бир қаторда бошқа шахсларда ҳам худди шу ҳолат кузатилади. Лекин икки шахсдаги мавжуд ҳис-туйғулар бир-бири билан тўқнаш келганда зиддият юзага келади. Гегель бу зиддиятнинг ечимини ҳам муҳаббатдан топади, яъни икки субъектив ироданинг умумийликка бирлашувини ижобийлик сифатида баҳолайди.

Гегелнинг “оилада биз мустақил шахс эмас, балки аъзомиз” [3] сўзларини эсга олсак, алоҳида субъектив ироданинг умумийликнинг қурбонига айлантиргандек кўринади, лекин алоҳидаликнинг умумийликка айланишини, икки субъектив ироданинг муштарак

тараққиётини белгилаб беради. Демак, муҳаббат тушунчаси умумийликнинг онги ёки табиий ахлоқий кўринишдаги туйғудир.

Муҳаббат асосида пайдо бўлувчи оила ўзини ташқи томондан намоён этишда уч босқичга эга: а) оиланинг вужудга келиш шакли бўлган – никоҳ; б) оиланинг ташқи томондан борлигини намоён этувчи мол-мулк ва уни тасарруф этиш; с) фарзандларни тарбия қилиш ва оиланинг бузилиши.

Бугунги кунда оилага тегишли бўлган энг муҳим тушунча, никоҳ ҳисобланади ва уни давлат ўзи томонидан расмийлаштиради. Бунгача у диний-шаръий қоидалар асосида расмийлаштирилган, Гегель яшаган XVIII-XIX асрлар ҳаётида эса никоҳга бўлган муносабат, асосан шахсларнинг бир-бирига табиий эҳтиёжларини қондириш тарзида тушунилган. Бу ҳолатни Европа халқлари ўзи учун табиий ҳолат сифатида қабул қилишган. Никоҳга бундай муносабат оиланинг заиф томони сифатида қаралган. Шунинг учун И.Кант оилага икки жинс вакиллари табиий эҳтиёжидан келиб чиқувчи битим сифатида қараган. Гегель эса никоҳни “моҳиятан ахлоқий муносабат” [4] шунингдек, ахлоқий қонуний севги сифатида таърифлайди. Демак, оиланинг мустаҳкамлиги учун унга қонуний тус берилиши, ёки ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлишини ёклаб чиқади.

Бизнингча, қонуний тус берилган никоҳ, оиланинг мустаҳкамлигини белгилайди ва бу ўз навбатида маълум бир миллатнинг кўпайишини назарда тутади. Чунки, Гегелдаги оила объектив руҳ ривожланишининг биринчи босқичини ташкил этади.

Абдурауф Фитрат ҳам оиланинг жамият ривожидида тутган ўрни ҳақида тўхталиб, ўзининг “Оила” асарида француз олими Пол Демар фикрлаини келтириб ўтади. “1810 йилга келиб, Франция аҳолиси 28 млн, Англия аҳолиси 10 млн, Олмония аҳолиси 18 млнни ташкил этди, XX аср бошларига келиб эса Англия аҳолиси 62 млн, олмон аҳолиси 59 млн, Франция аҳолиси бор йўғи 11 млнга ўсиб, 39 млнни ташкил этди. Агар аҳвол шундай давом этса этаверса, нафақат биз Ватан муҳофазасидан балки, ҳаёт орзусидан ҳам маҳрум бўламиз” [5]. Пол Демарнинг бу фикрлари орқали Фитрат оиланинг мустаҳкамлиги ундаги никоҳ муносабатларига боғлиқ эканини таъкидламоқчи бўлади.

Гегель учун оиланинг мустаҳкамлиги никоҳнинг севги, ишонч ва ўзаро ижтимоийлашувга асосланиши зарур. Шунингдек, никоҳ кимлар ўртасида тузилиши кераклиги масаласи ҳам муҳим бўлиб, унга кўра, “никоҳ бир-бирига келиб чиқиши боғлиқ бўлмаган оилалар ўртасида бўлиши керак. Қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳ бу оилага зиддир” [6]. Файласуф оиланинг келажаги ва саломати учун қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳга қарши чиққан бўлиши мумкин, қизиғи шундаки унинг бу ғояси, муқаддас “Қуръони карим”даги қуйидаги оятга жуда мос келади. “Сизлар учун (бу гап эркакларга айтиляпти) оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмишган опасингилларингиз, қайноналарингиз, никоҳингизда бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари – мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинди” [7].

Фикримизча, файласуф ўз ғояларини баён қилишда Шарқ тафаккури маҳсулларига эътиборсизлик қилади, баъзи ўринларда камситишга ҳаракат қилади. Лекин унинг қарашлари Шарқда тарқалган ғояларга бориб тақалишини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Оиланинг муҳим иккинчи жиҳати, мол-мулк ва унга эгалик қилиш бўлиб, Гегельга кўра, “оила шахс сифатида мулкда ўзининг ташқи воқелигига эга” бўлади. Мулк билан боғлиқ такомиллашган муносабатлар бевосита никоҳ орқали вужудга келиб, у ахлоқийлик асносида ташкиллашган жамият ва давлат пойдеворини ташкил қилади дейишимиз мумкин. Шунингдек, Гегель оиланинг моддий эҳтиёжларини таъминлашда эркакнинг ролини муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Оиладаги мулкий муносабатлар, унинг ташқи шаклини намоён этса-да, унинг моддийлашган кўринишини бермайди.

Фарзандлар тарбияси оилани ҳақиқий маънода ифодалайди дейишимиз мумкин. Икки жинс ўртасидаги ўзаро муҳаббатга асосланган муштараклик, тўла маънода ўзини объектив жиҳатдан кўрсатмайди. “Муҳаббат туйғуси мазмунли бирликни ташкил этсада, ҳали унинг асоси йўқ, ота-оналар бу асосга фақат фарзандли бўлганда эришадилар” [8]. Гегельга кўра фарзанд оиланинг яхлитлигини ва умумийлигини таъминлайди. Чунки, болада она ўз турмуш ўртоғини, ота эса ўз хотинини яхши кўради. Ота-оналар учун фарзандни келажак учун баркамол қилиб тарбиялаш юксак бурч сифатида қаралади. Шунингдек, оиланинг асосини ташкил этувчи, ота-она

муносабатларининг тугатилишига эътибор қаратар экан, “никоҳ субъектив, яъни тасодифий ҳис-туйғуга асосланганлиги учун у бекор қилиниши мумкин” [9]. Гегелнинг фикрича, ўзаро тасодифийлик ёки мажбурлов нуқтаи назаридан тузилган никоҳларда оиланинг тинчлиги бўлмайди ва уни тугатиш мақбулроқ экани айтилади. Бу ерда файласуф гендер тенглик муносабатларига эътибор қаратади дейишимиз мумкин.

Шундай қилиб, Гегель оилага фуқаролик жамияти ва давлатнинг ташкил топишида биринчи босқич сифатида қараб, унинг ташкил топиши, ривожланишига катта аҳамият қаратган бўлса, энди у фуқаролик жамиятига ўтишини қуйидагича асослашга ҳаракат қилади. Оила табиий йўл билан ва моҳиятан алоҳидалик тамойили орқали бир қанча оилаларга бўлинади, улар кейинчалик мустақил конкрет шахслар сифатида мавжуд бўлади. Бу билан оила ҳам жамиятдаги шахс принципи каби кўплаб, оилаларга бўлинади ва ўзларининг мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир. Шу боисдан алоҳида бўлинган оилалар шахслар сингари бир-бирлари билан ташқи муносабатда бўлади.

Гегельга кўра, айнан алоҳидалик ахлоқийликнинг соф ғоясини намоён этади. Энди у ўзини реал ҳаётга сингдириши учун ахлоқийликнинг ўзи ўз тушунчаси қобиғидан чиқиши керак.

### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Hegel G.W.F. The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. -P. 138.

2. Абдирауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Иккинчи нашр, -Т.:“Маънавият”, 2000. – б.35
3. Hegel G.W.F. The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. -P. 139.
4. Hegel G.W.F. The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. -P. 140.
5. Абдирауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Иккинчи нашр, -Т.:“Маънавият”, 2000. – б.14.
6. Hegel G.W.F. The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. -P. 145.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Тафсири Ҳилол. Жуз 1. - Т.:”Ҳилол нашр”, 2019. – б.
8. Hegel G.W.F. The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. -P. 147.

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/013>

## **ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Баратов Рашид Ўсарович**

Фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат транспорт университети

Инсоният пайдо бўлибдики яшаш учун курашиш жараёнида улкан ўзгаришларни бошидан кечириб келмоқда. Энг асосийси, ер куррасининг турли иқтисодий, ижтимоий, географик шароитлари